



ШАРОФ РАШИДОВ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КЎЗГУСИДА

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-57>

**Юсупов Эргаш Юсупович,
Андижон давлат университети доценти
Х.Ғофуров,
Андижон давлат университети магистранти**

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада деярли чорак аср мобайнида совет тузуми шароитида республика раҳбари сифатида фаолият юритиб, Ўзбекистонни замонавий sanoat ўлкаси даражасига кўтарган буюк давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидовнинг портретига чизгилар берилган. Унинг давлат раҳбари сифатида республикани ривожлантиришга қўшган ҳиссаси илмий тарзда ёритилган.

Калит сўзлар: совет тузуми, “пахта иши”, “ўзбек иши”, технополис, ижодий иш, ғоявий механизм, иқтидорли шахс.

ШАРАФ РАШИДОВ В ОТРАЖЕНИИ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

**Юсупов Эргаш Юсупович,
доцент Андижанского государственного университета
Х.Ғофуров,
магистрант Андижанского государственного университета**

АННОТАЦИЯ

Данная статья содержит некоторые штрихи к портрету выдающегося государственного деятеля и писателя Шарафа Рашидова, кто без малого четверть века стоял у руля управления республикой в условиях советского строя, добился ее вывода на уровень современного индустриального края.

Ключевые слова: советская власть, “хлопковое дело”, “узбекское дело”, технополис, созидательная работа, идеологический механизм, талантливый человек.

SHARE OF RASHID IN REFLECTION OF HISTORY OF UZBEKISTAN

**Yusupov Ergash Yusupovich,
Associate Professor of Andijan State University
H.Fofurov,
master degree of Andijan State University**

ANNOTATION

This article contains some touches to the portrait of an outstanding statesman and writer Sharaf Rashidov, who for nearly a quarter of a century stood at the helm of the republic's administration under the Soviet regime, achieved its withdrawal to the level of a modern industrial region.

Key words: Soviet power, “cotton business”, “Uzbek business”, technopolis, cre-

ative work, ideological mechanism, talented person.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги “Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудини 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида халқимизнинг фидойи фарзанди хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром муносиб баҳоланди.

Шароф Рашидов атоқли давлат ва жамоат арбоби, серқирра истеъдод соҳиби эди.

Биринчи Президент И.А.Каримов совет тузуми даврига муносабат билдирар экан, олимларни давр моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишга, ота-боболаримиз ҳаётини, улар яшаган даврни фақат ёзғиришдан, инкор этишдан огоҳ этиб, “тарихни илмий жиҳатдан ҳолисона ва ҳалол амалга ошириш” кераклигини алоҳида таъкидлаган эди[1,141-б.].

Ш.Рашидовдек улуғ ва мураккаб шахснинг ҳақиқий баҳосини 75 йиллик юбилейида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан берилган эди: ”Энг оғир шароитларда ҳам Ш.Рашидов халқига фарзандлик бурчини қўлдан келганча адо этди. Шароф Рашидов ҳақида гап кетар экан, авваламбор ўша давр зиддиятлари ҳақида гапириш керак. Бу мураккаб шахс ҳар тарафдан миллий манфаатларни ўйлашга, иккинчи тарафдан Марказдан келган туб манфаатларга зид буйруқларни ҳаётга татбиқ этишга мажбур бўлганини унутмаслик зарур” [2,11-12 б.].

Биринчи Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан Шароф Рашидов номи тўла-тўқис оқланганига ҳам, мана, чорак аср бўлди.

Шароф Рашидов ўз тузумига садоқат билан хизмат қилди. Аммо пайти келиб, у дунёдан кўз юмганидан кейин, умр бўйи ҳимоя этган тузуми унга хиёнат қилди. Ҳақиқий раҳбарсиз қолган республика халқи собиқ марказдаги сиёсий қиморбозликнинг қурбони бўлди. “Шароф Рашидовчилик” деган ибора ўйлаб чиқарилди [3, 14-б].

Дастлабки таъкиб Ўзбекистон КП МҚнинг биринчи котиби Ш.Р. Рашидов хотирасига қарши қаратилди. Шунини таъкидлаш лозимки, Ш.Р. Рашидовнинг ўлиmidан сўнг унга қарши бошланган турли уйдирмалар 1989 йилнинг биринчи ярмигача давом этди. “Қосимовчилик”, “иноғомовчилик”нинг мантикий давоми бўлган “рашидовчилик” совет давлати қатағон сиёсатининг асосий хусусиятларидан бири эди. Шунинг учун Ўзбекистонда юзага келган барча жабҳадаги салбий ҳолатлар собиқ биринчи котиб номи ва фаолияти билан боғланди. Шу йилларда марказ томонидан оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг собиқ раҳбари Ш.Р.Рашидов номини мамлакат бўйлаб қоралаш кампанияси авж олди.

Чорак асрдан сал камроқ вақт мобайнида Ўзбекистондаги совет ҳокимияти Шароф Рашидов шахси билан боғлиқ эди. Бу даврда фуқаролар, яхлит жамият хоҳиш-истаги, ақидаси, мақсад-интилишлари, ҳаётга муносабатлари ва шахсий эҳтиёжларидан қатъий назар бир гоя асосида яшашга маҳкум этилди. Мафкуравий механизм инсон ўзлигини, ҳақ-ҳуқуқларини чеклаб қўйди, уни ягона мақсад-хаёлий коммунизм сари йуналтирди. Ахлоқий-меърий мувоза-

натни қарор топтириш мақсадида мафқуравий тазйиқ, зуғум, тозалаи механизми ишга туширилди.

Қатағон сиёсати моҳиятида КПСС ҳеч қачон империячилик ғоясидан воз кечган эмас. “Совет халқи” термини юзаки тушунча бўлиб, аслида бу ном остида барча халқларни руслаштириш сиёсати яширинган бўлиб, шу сабабли миллий қадриятларни, миллий тарихни, миллий ур-одатларни, динни сиқиб чиқаришга ҳаракат қилинарди. Бошқарув тизими эса, маъмурий-буйруқбозлик асосида амалга оширилган бўлиб, миллий ҳуқуқий тенгликка 1917 йилданок амал қилинмай келинган эди. Ш.Рашидов раҳбарлик қилган тузумнинг ўзига хос хусусиятлари ана шундай номувофиқ бошқарув зиддиятларидан иборат бўлган. Марказдан тайёрланган кўрсатмаларга амал қилиш қатъий талаб ҳисобланган. Ш.Рашидов ана шундай мураккаб даврда раҳбарлик фаолиятини юритди.

Шароф Рашидов раҳбарлик қилган даврда Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бугун мустақилликка бевосита хизмат қилмоқда.

Шароф Рашидов ниҳоятда иқтидорли, ўз халқи сингари барча соҳаларда истеъдодли инсон эди. У теран тафаккури ҳамда билими билан нафақат давлат арбобларини, балки сиёсатчилар, дипломатлар, хўжалик ходимларини ҳам ҳайратда қолдирар эди.

Ш.Рашидовнинг олийжаноб, бағрикенглиги, айна пайтда, қатъиятлилиги, чуқур интизоми, талабчанлик ва масъулиятлилигига зид келмаган. У киши табиатан муросали, серандишали, узоқни ўйлаб қарорлар қабул қиладиган мулоҳазали раҳбар бўлган. Истаган одам у кишининг қабулига кириб таклиф ва истакларини билдириш имкониятларига эга бўлган. Шу ғамхўрлик фазилатлари билан Ш.Рашидов элнинг раҳнамосига, миллатнинг отасига айланди.

Журналист Ф.Раззоқов Ш.Рашидовнинг раҳбарлик маҳоратига баҳо бериб шундай дейди: “1977 йилнинг ноябрида Рашидовнинг 60 йиллигига Москва нафақат унинг раҳбарлигидаги республиканинг иқтисодий кўрсаткичлари, балки унинг республика элитаси, юқори тоифали кишилари ва турли гуруҳлари билан муроса қила олишига ҳамда халқнинг (биламизки, ҳамма уни мана икки ўн йиллик давомида Ўзбекистонда “Отахон” деб аташарди.) чексиз муҳаббати ва ҳурматига сазовор бўлганлиги учун ҳам уни иккинчи бор Социалистик меҳнат қаҳрамони юлдузи билан мукофотлаган эди.[4, 88-б.]

Шўролар ҳукмронлиги 80-йилларга келиб, ижтимоий-сиёсий соҳада боши берк кўчага кириб қолади. 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида Компартиянинг яккабошчиликка асосланган маъмурий-буйруқбозлик иш юритиш услуби ва давлат бошқарувидаги сиёсатнинг зуғум ўтказиш идоралари ҳаёт синовига бардош бера олмади. Ҳар қандай эркин фикрлашларга барҳам берилди, ягона раҳбарликка даъво оқибатида зўрликка таянувчи давлат машинасини ҳаракатга келтирувчи таъқиб ўтказиш механизмига айланди[5, 204-б.].

Ўзбекистонда Ш.Рашидов номи ва фаолиятига қарши бошланган ҳаракатлар билан бирга шу йилларда раҳбарлик лавозимларида ишлаган шахслар ҳам бирин-кетин қатағонга учрай бошлади. Тажрибали ва ташаббускор йўлбошчисиз қолган республика аслида марказдаги “сиёсий қиморбозлик”нинг қурбонига

айлантирилган эди.

Шу ўринда давлат ва жамоат арбоби бўлган Шароф Рашидовнинг рафиқаси Хурсан Рашидованинг сўзларини келтирсак: “25 кун мени тинимсиз тергов қилишган, сўроққа тутишган. Асосий савол нимадан иборат эди, денг? Шароф Рашидов оиласининг яқинлари ким эди? Шароф Рашидов оиласининг тўйларига кимлар таклиф этиларди? Шароф Рашидов оиласининг яқини бўлишнинг ўзи ҳар қандай жазога лойиқ, деган кўрсатмалар ҳукм учун етарли асос бўлиб қолганди”.

Мустабид тузум Ш.Рашидовнинг Ўзбекистон миллий манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши, марказга қарамликни, гарчи имкон даражасида бўлса ҳам, заифлаштиришга интилиши билан келиша олмасди. Шунинг учун ҳам у вафот этганидан кейин собиқ иттифоқ раҳбарияти ўзининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатидаги мағлубияти сабабларини “маҳаллий кадрлар”га ағдариш мақсадида Ш.Рашидовга қарши тухмат тошларини ёғдириб, ҳатто “шароф рашидовчилик” деган ва Ўзбекистондаги коррупциянинг рамзига айлантирилган сиёсий ёрлик тўкиб чиқарди [6, 232-б.].

Т.Гдлян гуруҳининг Ўзбекистондаги фаолияти давомида СССР ва Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирликларининг 20 нафар раҳбар ходими, Ўзбекистон Компартияси МКнинг тўрт нафар котиби, вилоятлардаги партия қўмиталарининг саккиз котиби, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси, Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати вазири ва бошқа бир қанча масъул ходимлари, умуман 62 нафар масъул шахс пора олишда айбланиб, жиноий жавобгарликка тортилди. 1989-йилнинг май ойига қадар жавобгарликка тортилган 35 нафар айбланувчининг иши судга оширилди. 1984-1989 йиллар давомида Т. Гдлян гуруҳи томонидан 800 дан кўпроқ “жиноий” иш кўриб чиқилди[7]. Умуман олганда, 4018 киши “пахта иши” бўйича жиноий жавобгарликка тортилган эди [8, 49-б.].

Давр фарзанди Ш.Рашидов республика раҳбарлари энг ёрқин намояндаларидан бири эди. У Хрущевнинг ҳам, Брежневнинг ҳам ҳомийлиги ва тўла ишончида бўлди. Москвалик долзули ҳукмдорларнинг ўзаро рақобат “ўйинлари” тўрига илинмади. Шароит доирасида имкони борича Ўзбекистоннинг обрўйини сақлаб келди, Тошкентнинг нуфузини СССРдагина эмас, дунёда ҳам Шарқ юлдузи сифатида қарор топтирди.

Шароф Рашидов миллий маданиятни сақлаш ва ривожлантиришдек эзгу ишларга бош-қош бўлди. У Ўзбекистон иқтисодиётини уйғун тарзда ривожлантира олди.

60 - йилларда Қизилқум чўлида жаҳон андозаларига мос келадиган ноёб технополис қад кўтарди: шаҳарлар, руда конлари, автомобиль йўллари, аэропорт, заводлар қурилди, Навоий кон-металлургия комбинати барпо этилди. Газлида жуда катта газ кони ўзлаштирилди. 1966 йилнинг апрель ойида Тошкентда содир бўлган зилзила оқибатлари иттифоқдош республикалар иштирокида бартараф этилди. 1977 йилда Тошкент метрополитенининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

1966 йил 4-10 январь кунлари Тошкентда Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхон билан Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиги Лаъл Баҳодир Шастри-

нинг СССР Министрлар Совети Раиси А.Косигин иштирокидаги учрашуви бўлиб ўтди. Тошкент Декларацияси Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги низоли масалаларни тинч ҳал қилиш учун асос яратди.

Шароф Рашидович доимо аҳолининг маънавияти ва маданияти даражасини кўтариш, кундалик турмуш учун зарур ижтимоий-маиший шароитларни яратиш кераклигини қайта-қайта уқтирарди. Шу мақсадда ўзи ҳам “юқори” идораларга тез-тез бориб, Ўзбекистон учун, замонавий тил билан айтганда, “ижтимоий лойиҳалар”ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишга рухсат оларди. Айнан шу хислатлари сабаб, яна ҳар қандай қарорни рақамлар ва далиллар билан асослаш маҳорати туфайли Рашидов юртимиз ривожини учун хизмат қиладиган эзгу мақсадларига эришган. Масалан, ҳар бир районда, йирик корхоналар, колхоз ва совхозларда маданият уйлари ташкил этилиб, уларда шуғулланган бадиий ҳаваскорлик жамоалари ўз чиқишлари билан профессионал санъаткорлардан қолишмаган. Самарканд, Бухоро, Андижон ва бошқа шаҳарларда кўғирчоқ театрлари ташкил этилган[9].

Шароф Рашидов истеъдодли ёшларнинг чинакам ғамхўригина бўлиб қолмай, уларнинг маънавий ва моддий биринчи ҳомийси ҳам эди. Буни Андижонлик хонанда Санобар Раҳмоновага кўрсатган меҳр-мурувватидан ҳам кўриш мумкин. Ҳар гал Андижонга келганида у албатта Санобархонни излаб топтирар, ижодини ривожлантириш, халққа танитиш учун ўз ёрдамини сира аямасди [10, 104-б].

Шароф Рашидов мактаблар, корхона ва ташкилотлар турар-жой массивларида кутубхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратган. Жумладан, мактаб кутубхоналари 3 мингтадан 14 мингтагача кўпайгани айтилиши ҳақиқат[11]. Республика раҳбари уларнинг сони кўпайгани яхши, аммо бундай маърифат масканлари доим энг яхши китоблар билан бойитиладиган кераклигини талаб этарди. Шу боис китоб маҳсулотларини чиқарувчи нашриёт ва босмахонларнинг ишини такомиллаштириш масалаларини ҳам фаол ҳал этишга интиларди. Алишер Навоий, Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ойбек, Абдулла, Қахқор, Ғафур Ғулом, бошқа мутафаккир ва олимлар, ёзувчи ҳамда шоирларнинг асарлари мунтазам нашр этилди. Кутубхоналар энг сара миллий ва хорижий адабиётлар билан мунтазам тўлдирилиб, китобларнинг аксарияти 50-100 минг нусхада чоп қилинган.

Шароф Рашидович биринчи раҳбар сифатида республикамизнинг кўпроқ келажаги ҳақида ўйлаган. Муҳандис-техник ва илмий ходимлар, ижодкор зиёлилар қатламини шакллантириш билан режали шуғулланган. Айнан шу мақсадда тегишли шароитлар муҳайё этилган. Хусусан, Тошкентда академиклар шаҳарчаси, талабалар шаҳарчаси, тиббиётчилар шаҳарчаси, деб ном олган мавзелар пайдо бўлди. Бу жойлар фундаментал ва амалий фанлар ривожини, олий таълим, юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, Ўзбекистон келажаги учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди.

1970 йилда Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллигини нишонланди ва бунинг натижасида Самарқандда катта воқеалар бўлиб ўтди, шаҳар тарихи музейи, опера ва балет театри ўз фаолиятини бошлади.

Шароф Рашидов даврида Андижонда ҳам ижтимоий-иқтисодий, маданий ри-

вожланиш, айниқса, қишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлиги, маиший турмуши анча юксалган эди. Бунёдкорлик ишларида ҳам ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозирги аэропорт, темир йўл вокзалининг ҳашаматли янги биноси, Андижон давлат университетининг янги биноси, ҳозирги Боғишамол дам олиш маскани, Андижон сув омбори, Андижон-Шаҳрихон автомобиль йўли каби қатор иншоотлар айна Шароф Рашидов даврида бунёд этилган эди. 1964 йили Андижонда пахтачилик институти очилиши ҳам бевосита Шароф Рашидов номи билан боғлиқ [12, 99-б.].

Шароф Рашидов миллатпарвар инсон сифатида ўз халқига ва Ватанига фарзандлик бурчини қўлдан келганига адо этди. Шароф Рашидовнинг қутлуғ номи ҳам ҳурмат ва ғурур билан тилга олинади. Замонлар ўтиб, Она юрт тарихида Шароф Рашидовнинг қутлуғ номи ҳам келгуси авлодлар томонидан ҳурмат ва ғурур билан тилга олинажак.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
2. Каримов И.А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И.А. Ўша асар
4. Раззаков Ф. Коррупция в Полютбюро. Дело красного узбека. – Москва: Алгоритм, 2010.
5. Алимардонов Т. Ўчмас шараф. – Тошкент: Доно, 2017.
6. Қаранг: Жўраева Н.Д. **Ўзбекистонда хотин-қизларга муносабат (ўқув қўлланма).** – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2013. –Б. 232.
7. Қаранг: Совет Ўзбекистони 1989, 27 декабрь
8. Юнусова Х. Ўзбекистонда “Пахта иши” катағонлари ва унинг оқибатлари. Тарихнинг номаълум саҳифалари. Бешинчи китоб. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.
9. Қаранг: Халқ сўзи, 2017 йил, 4 ноябрь
10. Исхаков А, Куйлавер Санобар / Водийнома. – Андижон, 2017. №5 (7).
11. Қаранг: Халқ сўзи, 2017 йил, 4 ноябрь
12. Буюк инсон андижонликлар нигоҳида // Водийнома. – Андижон, 2017. №2(4)